

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ВАЗИРЛИГИ**

**Рўйхатга олинди
№ МО 10-203
2020 йил**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта махсус таълим вазирининг
2020 йил “7” декабрь даги
648 - сонли буйруғи билан
тасдиқланган.**

“Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича)”

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўкув дастури

Тошкент – 2020

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАРНИ ИЛМИЙ-
МЕТОДИК ТАЪМИНЛАШ, ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
МАРКАЗИ**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириши курсининг ўқув дастури Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим йўналишилари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини

Мувофиқлаштирувчи кенгашининг

2020 йил 30-октябрдаги б- сонли баённомаси билан маъқулланган.

Тузувчилар:

“Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш” модули: ю.ф.н., проф. В. Топилдиев, т.ф.н., доц. Б.Ш. Усмонов, т.ф.н., доц. Р.А. Хабибуллаев

“Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш” модули: и.ф.д., проф. Р. Нуримбетов, и.ф.д., проф. Ф. Назарова, п.ф.н., доц. М. Дехканова

“Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш” модули: п.ф.д., проф. Н. Муслимов, катта ўқитувчи Р. Ишмухамедов

“Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш” модули: п.ф.д., проф. Ф. Закирова, ф.-м.ф.н., доц. В. Каримова.

“Маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модули: катта ўқитувчилар Ф. Бойсариева, Н. Джабборова, С. Таджибаева, У. Гиясова, Ш. Файзуллаева

“Мутахассислик фанлари” модули: доц. И.Турсуналиев, п.ф.н., доц. О.Ҳайитов, п.ф.н., проф. Ж.Акрамов, п.ф.д., проф. А.Абдиев, п.ф.н., проф. А.Талипжанов, п.ф.н., проф. П.Ходжаев, PhD Б.Неъматов.

Тақризчилар:

п.ф.д., доц. С.С. Тажибаев – Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети.

п.ф.н., доц. О.С. Жуманов – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази.

Хорижий эксперт: п.ф.д., доц. М.В. Жийяр – РДЖТСЁТУ (Россия) Гандбол назарияси ва услубияти кафедраси мудири.

Ўқув дастури Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириши маркази Илмий-методик кенгашининг қарори билан тасдиқка тавсия қилинган (20 _____ йил “_____” _____ даги навбатдан ташқари _____-сонли баённома).

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли, 2020 йил 24 январдаги “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5924-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги хузурида Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 658-сонли, 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илгор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш қўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахassislik фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишининг замонавий услублари бўйича сўнгти ютуклар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, “blended learning”, “flipped classroom” технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, қўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахassislik фанлар доирасидаги билим, қўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

I. Педагогнинг профессионал фаолиятидаги инновациялар.

- 1.1. Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш.
- 1.2. Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш.
- 1.3. Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш.

II. Педагогнинг ахборот ва коммуникатив компетентлигини ривожлантириш.

- 2.1. Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш.
- 2.2. Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили.

III. Мутахассислик фанлари

- 3.1. Спортчиларни тайёрлашнинг замонавий технологиялари.
- 3.2. Жисмоний тарбия ва спортда илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш.
- 3.3. Спортда тиббий ва биологик таъминот.
- 3.4. Болалар ва ўсмирлар спортининг долзарб муаммолари.

IV. Малакавий аттестация

Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Курснинг **вазифалари**га қуйидагилар киради:

- “Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича)” йўналишидаги педагог кадрларнинг танланган спорт туридан касбий билим, кўникма, малакаларини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш;
- спорт фаолият ўқитувчиларининг танланган спорт тури бўйича ижодий-инновацион фаоллигини ошириш;
- мутахассислик фанларини ўқитиш (ўқув-тренеровка ва ўқув-йигин машғулотларини ташкил этиш) жараёнига таълимнинг форсайт технологияларини самарали қўллаш;
- спорт таълимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ва ҳакамлик ишларида хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

- маҳсус фанлар соҳаси бўйича ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

- “Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича)” йўналишидаги қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”, “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”, “Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш”, “Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш”, “Маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Маҳсус фанлар бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- спортчиларни техник-тактик ва психологияк тайёрлашни;
- малакали спортчиларнинг йиллик тайёргарлик босқичларини;
- узоқ муддатли, узлуксиз, бир текис юклама усулларини;
- жисмоний тарбия ва спорт соҳасига оид илмий тадқиқот ишларини;
- жисмоний тарбия ва спортнинг тадқиқот усулларига қўйиладиган умумий талабларни;
- жисмоний тарбия ва спорт мусобақаларини тиббий таъминлашни;
- спортчи организмига допинг воситаларининг таъсирини;
- болалар ва ўсмиirlар спорт мактабларига оид долзарб масалаларни;
- болалар ва ўсмиirlарнинг индивидуал қобилияtlари ҳақида **билиши** керак.

Тингловчи:

- спортчиларни техник-тактик ва психологияк тайёрлашда замонавий технологияларни амалиётда қўллаш;
- малакали спортчиларни ҳаракат сифатларини замонавий технологиялар ёрдамида ривожлантириш;
- малакали спортчилар юкламаларини режалаштиришда замонавий технологиялардан фойдаланиб тезлик сифатини ривожлантириш;
- професионал статистика базалари маълумотларини ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда статистик ахборотларни тизимлаштириш;
- экспериментал тадқиқотлар натижаларига ишлов бериш, уларни таҳлил қилиш ва акс эттириш, хуносалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш, тавсияларини ишлаб чиқиш;

- спортда допингни қўллашнинг олдини олиш ва унга қарши кураш;
- спорт амалиётидаги шошилинч ҳолатларда илфор тажрибалардан фойдаланиш;
- спортдаги юклама ва уни ёш спортчилар организмига меъёрлаш;
- болалар ва ўсмирларнинг индивидуал қобилиятларини аниқлашда психологияк ва педагогик тест меъёрларини тўғри қўллай олиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- жисмоний тарбия ва спортдаги инновациялар ва уларни ўқув-тренеровка, ўқув-йигин машғулотлари жараёнига қўллашнинг илмий-назарий ва амалий аҳамиятини билиш;
- спорт ўйинлари, якка кураш, қўпкураш, гимнастика спорт турлари ҳамда циклли спорт турларининг замонавий назариялари ва услубиятини ишлаб чиқиш ва оммалаштириш;
- жисмоний тарбия ва спортни соғломлаштириш ва туризм соҳаларига татбиқ қилиш;
- танланган спорт турлари ўқув-тренеровка жараёнларига жисмоний сифатларни ривожлантиришнинг замонавий усулларини қўллаш **малакаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- спортчининг мусобақадан олдинги ҳолатини кузатиш ва таҳлил этиш;
- спортчининг мусобақа фаолиятини назорат қилиш ва таҳлил этиш;
- спортчининг мусобақа кейинги ҳолатини назорат қилиш ва коррекциялаш;
- циклли спорт турларида инновацион чидамлиликни тарбиялаш;
- жисмоний тарбия ва спорт соҳасида касбий фаолият юритиш учун зарур бўладиган билим, кўникма, малака ва шахсий сифатларга эга бўлиш;
- спорт таълимида форсайт технологиялардан фойдаланиш;
- видеодарсларни тайёрлаш;
- эгалланган тажрибани танқидий қўриб чиқиш қобилияти, зарур бўлганда ўз касбий фаолиятининг тури ва характеристини ўзгартира олиш;
- танланган спорт турлари бўйича тизимли таҳлил усулидан фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқиш;
- болаларнинг спорт қобилияти ва иқтидорини аниқлашнинг долзарб масалаларига оид замонавий манбалардан фойдалана олиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Курс ҳажми

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Бунда ўқув дастурининг 144 соат ҳажми ишдан ажралмаган ҳолда мустақил малака ошириш усуллари асосида, 144 соати тўғридан-тўғри (бевосита) малака ошириш шаклида ишдан ажраган ҳолда амалга оширилади. Малака оширишнинг бевосита шаклида бир ҳафтадаги ўқув юкламасининг энг юқори

ҳажми 36 соатни ташкил этади. Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

**“СПОРТ ФАОЛИЯТИ (ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА)”
ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ
КУРСИНинг ўқув модулларининг мазмуни**

**I. ПЕДАГОГНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ ФАОЛИЯТИДАГИ
ИННОВАЦИЯЛАР**

1.1. Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш.

Хорижий давлатлардаги кредит таълим тизимлари: Америка Қўшма Штатлари кредит тизими (USCS). Кредитларнинг тўплаш ва ўтказишнинг Британия тизими (CATS). Европа кредит тизими (ECTS). Университет кредитларини ўтказишнинг Осиё – Тинч океани тизими (UCTS). Кредит тизими асосида таълим жараёнларини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг инновацион методлари. Кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил ишини режалаштириш ва ташкил қилиш. Кредит-модуль тизимида педагоглар фаолияти. Кредит-модуль тизимида ўқув жараёнининг услубий таъминоти. Силлабус. Таълим натижалари (Блум таксономияси асосида). Билим даражалари. Таълим натижаларини баҳолаш усуллари.

Таълим соҳасини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари. Таълим соҳасига оид қонун ҳужжатлари ва уларнинг мазмуни. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва маънавий-маърифий асослари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимига оид қабул қилган фармонлари ва қарорлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари. Давлат таълим стандартлари, тегишли таълим (мутахассислик) йўналишлари бўйича давлат таълим стандарти, ўқув режалар ва фан дастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойиллари. Ўқув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методлари.

1.2. Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш.

Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ҳамда “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонунлари мазмуни ва моҳияти.

Ўзбекистон Республикасида илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг мақсади, вазифаси ва унинг методологик асослари. Илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш ва инновацион фаолиятнинг ҳуқуқий асослари. Илмий ишланмалар ва тижоратлаштириш объектлари. Инновацион ишланмалар, давлат илмий-техник дастурлари, лойиҳалари, стартап-лоиҳаларни расмийлаштириш. Олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштиришнинг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи “Университет 3.0” концепциясини босқичма-босқич жорий этиш.

Замонавий университетларда технологиялар ва лойиҳа бошқаруви. Фан, ихтирочилик ва технологиялар трансферины ривожлантириш ва инновацион фаолиятни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш.

Инфратузилма ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш. Таълим тизимини такомиллаштириш ва инсон капиталини ривожлантириш. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш. Профессор-ўқитувчиларнинг тадқиқотчи сифатида нашр фаоллигини ривожлантириш. Халқаро илмий-техник маълумотлар базалари ва уларнинг тавсифлари. Илмий мақолаларга қўйилган талаблар, мақолани тайёрлаш, чоп эттириш тартиблари. Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини Scopus, ScienceDirect, Web of Sience тизимлари асосида такомиллаштириш.

1.3. Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш.

Профессионал ўқитувчи шахси. Педагогнинг компетентлиги ва креативлиги. Педагогнинг касбий профессионаллиги ва уни инновацион фаолиятда намоён бўлиши. Касбий-педагогик тайёргарлик жараёнида таянч (soft skills), махсус (hard skills) компетенциялар мазмуни. Модулли-компетентли, интегратив, инновацион-креатив ёндашувлар. Таълим жараёнини лойиҳалаш ва моделлаштириш педагогнинг касбий профессионал ижодкорлигини ривожлантириш омили.

Ўқув машғулотларининг замонавий турларини (войиҳа, аралаш таълим, виртуал лаборатория, дебат) ташкил этиш ва ўтказиш методикаси. Талабаларда танқидий, ўзини-ўзи (мотивацион, интеллектуал, амалий-фаолиятли, фаол коммуникация ва жамоавий иш) ривожлантириш ва креатив фикрлашни шакллантириш усуллари (дизайн-фикрлаш, скампер ва ҳоказо). Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишнинг замонавий шакллари.

STEAM-таълим (Science – аниқ фанлар, Technology – технологиялар, Engineering – техник ижодкорлик, Art – ижодий санъат, Mathematics –

математика) ва STREM-таълим (фан, технологиялар, робот техникаси, инженерия ва математика) хусусиятлари.

II. ПЕДАГОГНИНГ АХБОРОТ ВА КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

2.1. Таълим жараёнинг рақамли технологияларни жорий этиш.

Рақамли технологиилар ва уларнинг дидактик имкониятлари. Таълим жараёнларини рақамли технологиилар асосида такомиллаштириш. “Электрон университет” ва унинг хусусиятлари.

Вебинар, онлайн маъруза, “blended learning”, “flipped classroom” технологииларини амалиётга жорий этиш. Масофавий таълим платформалари ва улардан фойдаланиб, таълим жараёнларини ташкил этиш.

Таълим жараёнларида “булутли технологиилар”дан фойдаланиш. Булутли технологиилардан фойдаланган ҳолда ўкув жараёнини ва ахборот таълим майдонини такомиллаштириш.

Мультимедиали интерактив ўкув-услубий қўлланмаларни ва электрон таълим ресурсларини яратиш, улардан таълим тизимида фойдаланиш. QR-код ва ундан фойдаланиш.

Педагогик фаолиятда интерактив инфографика воситаларидан фойдаланиш.

2.2. Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили.

Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили (English for Specific Purposes) – касб соҳасидан келиб чиқиб инглиз тилини ўргатиш. Касб соҳа вакиллари томонидан минимал грамматика (Present Indefinite Tense, Present Continuous Tense, Past Indefinite Tense, Future Indefinite Tense) ҳамда соҳага оид фаол сўзларни (минимал 400) ёддан билиши. Грамматика ва лексикани коммуникатив мақсадларда ўргатишга замонавий ёндашув. Инглиз тилида аутентик вазиятларни таҳлил қилиш. Тингловчиларда аутентик вазиятларга оид: e-mail ёзиш, сўзлашиш (илмий йўналиши ҳақида), тушуниш (жараённи тинглаб тушуниш) ва ўқиб тушуниш (газета ва журналлардаги касб соҳасига оид мақолани ўқиши) кўнимкамларини ривожлантириш.

Соҳага йўналтирилган мавзуларда тил кўнимкамларини ривожлантириш, мутахассислик фанларини хорижий тилда ўқитиши лойиҳалаштириш. Илмий тадқиқотларга йўналтирилган тил кўнимкамларини ўзлаштириш, илмий матнларнинг резюмесини тайёрлаш, хорижий адабиётлар билан ишлаш. Хорижий мутахассислар билан мулоқот стереотиплари. Электрон хатлар ёзиш, хорижий тилда тақдимотлар тайёрлаш.

Кундалик ва ижтимоий ҳаётга оид мавзулар: Шахс ва шахсият. Озик-овқат. Сиҳат-саломатлик. Оилавий қадриятлар. Шаҳар ва қишлоқ ҳаёти. Дам олиш ва спорт билан шуғулланиш. Касб-хунар ва ишбилармонлик. Оммавий ахборот. Муносабатлар. Тиббиёт, илм-фан, замонавий технологиилар соҳасидаги этика масалалари.

Резюме тўлдириш, маданий ҳордиқ, телефонда сұхбат. Саёҳат ва туризм, транспорт соҳаси, бизнес фаолият, кашфиётлар, санъат, фан, таълим ва технология соҳаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. Соҳага оид даврнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиш, муҳокама ва таҳлил қилиш.

III. МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИ

3.1. Спортчиларни тайёрлашнинг замонавий технологиялари.

Спортчиларни техник-тактик ва психологияк тайёрлашда замонавий технологиялардан фойдаланиш. Спортчиларнинг мусобақа фаолияти ва тайёрлаш тизимида эксперимент шароити. Узоқ муддатли, узлуксиз, бир текис юклама усуллари. Циклли спорт турларида инновацион чидамлиликни тарбиялаш.

Малакали спортчиларнинг йиллик тайёргарлик босқичларида юкламаларни режалаштириш технологияси. Замонавий технологиялар ёрдамида малакали спортчиларни харакат сифатлари ривожлантириш.

Малакали боксчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мусобақа фаолияти натижадорлигини шакллантириш. Малакали спортчилар юкламаларини режалаштиришда тезлик сифатини ривожлантиришнинг замонавий технологияларидан фойдаланиш.

Олий таълим муассасаларини спорт турлари бўйича ихтисослаштиришнинг педагогик шартлари ва технологиялари.

3.2. Жисмоний тарбия ва спортда илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш.

Тадқиқот усулларига қўйиладиган умумий талаблар. Машғулот юкламаларини назорат қилиш. Спортчининг мусобақа фаолиятини назорат қилиш ва таҳлил этиш. Комплекс назорат асослари ҳамда жисмоний тарбия ва спортда математик-статистик услублар. Тадқиқот усулларига қўйиладиган умумий талаблар.

Wyscout, Hudl, Sportscode, Rt Software, Longo Match, InStat интенсив скаут платформаларидағи профессионал статистика базалари маълумотларини ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда статистик ахборотларни тизимлаштириш.

Спорт фаолияти соҳасидаги таҳлилий тадқиқотлар ва умумлаштиришлар. Спорт жараёнларини башпорат қилиш ва ривожланишнинг истиқболли дастурларини ишлаб чиқиш.

3.3. Спортда тиббий ва биологик таъминот.

Жисмоний тарбия ва спорт мусобақаларини тиббий таъминлаш. Саломатлиги чекланган спортчиларни тиббий таъминлаш тамойиллари. Допинг тўғрисида тушунча. Спортчи организмига допинг воситаларининг таъсири. Спортда допингни қўллашнинг олдини олиш ва унга қарши қуаш. Спорт овқатланишини ташкил этиш тамойиллари. Спортчиларни

фармакологик таъминлаш. Спорт амалиётида шошилинч ҳолатлар. Спортда тўсатдан ўлим ҳолати. Жисмоний тарбия ва спорт мусобақаларини тиббий таъминлаш тамойиллари ва умумий тартиби.

3.4. Болалар ва ўсмирлар спортининг долзарб муаммолари.

Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига болаларни жалб қилиш ва контингентни сақлашнинг долзарб масалалари. Болаларнинг спорт қобилияти ва иқтидорини аниқлашнинг долзарб масалалари. Спортдаги юклама ва уни ёш спортчилар организмига меъёрлаш. Болалар ва ўсмирларнинг индивидуал қобилиятларини аниқлашда қўлланилаётган биологик, психологик ва педагогик тест меъёрларни аниқлаш. Саралов ва йўналтиришнинг кўп йиллик тайёрлов босқичлари билан алоқаси.

Спорт паспортини жорий этиш ва мунтазам юритишнинг ташкилий механизmlари.

IV. Малакавий аттестация

Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси касбий, ўқув-методик ва илмий-методик фаолияти натижалари (электрон портфолиода қайд этилган кўрсаткичлари), курсни тамомлагандан кейинги онлайн тест синовлари ҳамда Аттестация комиссиясида битирув ишини ҳимоя қилиш асосида ўтказилади.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Мустақил малака оширишни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Мустақил малака ошириш қўйидаги шаклларни ўз ичига олади: очик ўқув машғулотлари ва маҳорат дарсларини ташкил этиш; иқтидорли ва истеъдодли талабалар билан ишлаш; илмий конференцияларда маъруза билан қатнашиш; илмий журналларда мақолалар чоп этиш; кўргазма ва танловларда иштирок этиш; илмий лойиҳаларда иштирок этиш; халқаро (импакт-факторли) нашрларда мақолалар эълон қилиш; ихтиро (патент), рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик қилиш; монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; ўқув адабиётлари (дарслик, ўқув қўлланма, методик қўлланма)ни тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; фалсафа доктори (PhD)

даражасини олиш учун ҳимоя қилинган диссертацияга илмий раҳбарлик қилиш.

Педагог кадрларнинг мустақил малака ошириш натижалари электрон портфолио тизимида ўз аксини топади.

Мустақил малака ошириш даврида педагоглар асосий иш жойи бўйича педагогик амалиётдан ўтадилар. Педагогик амалиёт даврида педагог асосий иш жойи бўйича кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчиларини 2 та дарсини кузатадилар ва таҳлил қиласидилар ҳамда кафедра аъзолари иштирокида талабалар гуруҳи учун 1 та очик дарс ўтказадилар. Очик дарс таҳлили ҳамда педагог томонидан кузатилган дарслар хуносалари кафедранинг йиғилишида муҳокама этилади ва тегишли кафедранинг баённомаси билан расмийлаштирилади.

Шунингдек, мустақил малака ошириш жараёнида тингловчи қўйидаги билим ва қўнималарини ривожлантириши лозим:

- таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялашни ташкил этиш, кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режалари ва фанлар дастурларини шакллантириш;

- ўқув машғулотларининг ҳар хил турлари (маърузалар, амалий машғулотлар, лаборатория машғулотлари, курс ишлари лойиҳалари, малака бўйича амалий машғулотлар)ни ташкиллаштириш;

- талабалар ўртасида миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш, таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданияти, талабаларнинг билим ва қўнималарини назорат қилишни ташкил этиш ва илмий-методик таъминлаш, иқтидорли талабаларни қидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методларини билиш ва амалда қўллаш;

- олий таълимда менежмент ва маркетинг асосларини билиш ва амалий фаолиятга татбиқ этиш;

- мустақил таълим олиш йўли билан ўз билимларини такомиллаштириш.

Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модулларни ўқитиши жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариандаги манбалардан фойдаланилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд / Ш.М. Мирзиёев. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 592 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд / Ш.М. Мирзиёев. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 507 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд / Ш.М. Мирзиёев. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд / Ш.М. Мирзиёев. – Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-хукуқий хужжатлар

7. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // <http://lex.uz/acts/20596>
8. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637 Қонуни // <https://lex.uz/pdfs/5013007>
9. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрдаги “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ЎРҚ-576 Қонуни // <https://lex.uz/pdfs/4571490>
10. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги ЎРҚ-406-сон Қонуни // <https://www.lex.uz/pdfs/3026246>
11. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 4 сентябрдаги ““Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-394-сон Қонуни // <http://www.lex.uz/docs/2742233>
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5924-сонли Фармони // <https://lex.uz/pdfs/4711327>
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони // <https://lex.uz/pdfs/2676554>
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги

- “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони // <https://lex.uz/pdfs/3107036>
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3031-сонли Қарори // <https://lex.uz/pdfs/3226019>
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори // <https://lex.uz/pdfs/3171590>
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони // <https://lex.uz/pdfs/3913188>
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартағи “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5368-сонли Фармони // <https://lex.uz/pdfs/3578121>
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони // <https://lex.uz/pdfs/4355387>
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони // <https://lex.uz/pdfs/4490760>
21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони // <https://lex.uz/pdfs/4545884>
22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги хузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази ҳамда Ўзбекистон Республикасида тренерлик фаолиятларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 918-сон қарори // <https://lex.uz/pdfs/4600885>
23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги хузурида Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 658-сон қарори // <http://lex.uz/search/nat?actnum=658>
24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил

16 июлдаги “Давлат таълим муассасалари хузурида спорт клубларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 542-сонли Қарори // <http://lex.uz/pdfs/3824011>

25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 октябрдаги “Спорт мактабларини малакали тренер кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 284-сонли қарори // <http://lex.uz/pdfs/2480191>

III. Maxsus адабиётлар

26. Arslonov Sh.A. Dzyudo [Matn]: o‘quv qo‘llanma / Sh.A. Arslonov. – T.: “O‘zkitobsavdonashriyoti”, 2020. – 120 b.
27. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
28. English for Specific Purposes. All Oxford editions, 2010. – 204 p.
29. Eshtayev A.K., Xasanov N.R., Eshtayeva V.B. Badiiy gimnastika nazariyasi va uslubiyati [Matn]: darslik / A.K. Eshtayev, N.R. Xasanov, V.B. Eshtayeva. – T.: “O‘zkitobsavdonashriyoti”, 2020. – 580 b.
30. Karimov B.B. Kurash turlari va uni o‘qitish metodikasi: o‘quv qo‘llanma. – Qarshi: “Nasaf” nashriyoti, 2019. – 176 b.
31. Kdirova M.A., Pulatov F.A., Ummatov A.A. Voleybol nazariyasi va uslubiyati. O‘quv qo‘llanma. – T.: “Fan va texnologiya” nashriyoti, 2018. – 480 b.
32. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan, 2013. – 175 p.
33. Miradilov B.M., Karimov B.Z., Umbetova M.A. Sport pedagogik mahoratini oshirish (basketbol): O‘quv qo‘llanma. – T.: “Sano-standart” nashriyoti, 2017. – 268 b.
34. Mirzaev A. Belbog‘li kurash mashg‘ulotlari uchun o‘quv qo‘llanma [matn]. A.Mirzaev. – T.: “Turon-Iqbol”, 2018. – 184 b.
35. Mirzanov Sh.S., Karimov U.R. Yakkakurash sport turlari (kurash): o‘quv qo‘llanma / Sh.S. Mirzanov, U.R. Karimov. – T.: “O‘zkitobsavdonashriyoti”, 2020. – 108 b.
36. Mitchell H.Q. “Traveller” B1, B2, MM Publications, 2015. – 183 p.
37. Mitchell H.Q., Marilene Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications, 2015. – 191 p.
38. Pulatov A.A. Voleybol nazariyasi va uslubiyati [Matn]: darslik / A.A. Pulatov. – T.: “O‘zkitobsavdonashriyoti”, 2020. – 448 b.
39. Pulatov A.A., Qdirova M.A. Sport pedagogik mahoratni oshirish (voleybol): O‘quv qo‘llanma. – T.: “Sano-standart” nashriyoti, 2018. – 251 b.
40. Pulatov A.A., Ummatov A.A. Sport va harakatli o‘yinlar (voleybol) [Matn]: darslik / A.A. Pulatov, A.A. Ummatov – T.: “O‘zkitobsavdonashriyoti”, 2020. – 224 b.
41. Pulatov A.A., Ganiyeva F.V., Miradilov B.M., Xusanova D.T., Pulatov F.A. Basketbol nazariyasi va uslubiyati: Darslik. – T.: “Sano-standart” nashriyoti, 2017. – 351 b.

42. Sambo bo'yicha sport-pedagogik mahoratini oshirish / darslik: Bayturaev E.I., Odilov B.B. – T.: "Sano-standart" nashriyoti, 2017. – 370 b.
43. Sport va harakatli o'yinlar (gandbol): Darslik / Sh.F. To'laganov, M.M. Raxmanova., R.R. Kariyeva. – T.: "O'zkitobsavdonashriyoti", 2020. – 172 b.
44. Steve Taylor "Destination" Vocabulary and grammar", Macmillan, 2010.
45. Tangriev A.T. Sport mashqi jarayonida bolalar va o'quvchilarning jismoniy qobiliyatlarini rivojlantirish uslubiyoti. – T.: Ilmiy texnika axboroti-press nashriyoti, 2018. – 152 b.
46. To'laganov Sh.F., Raxmanova M.M. Gандbol nazariyasi va uslubiyati [Matn]: o'quv qo'llanma / Sh.F. To'laganov, M.M. Raxmanova. – T.: "O'zkitobsavdonashriyoti", 2020. – 172 b.
47. Xalmuxamedov R.D., Shin V.N., Tajibayev S.S., Rajabov G'.Q., Anashov V.D. Bokschilarining sport-pedagogik mahoratini oshirish (boks) [matn]: darslik / R.D. Xalmuxamedov, V.N. Shin, S.S. Tajibayev, G'.Q. Rajabov, V.D. Anashov. – T.: "O'zkitobsavdonashriyoti", 2020. – 596 b.
48. Xolmurodov L.Z. Bolalar va o'smirlar sporti asoslari [Matn]: o'quv qo'llanma / L.Z. Xolmurodov. – T.: "O'zkitobsavdonashriyoti", 2020. – 276 b.
49. Ашуркова С.Ф. Теория и методика волейбола: Учебник для высших учебных заведений. – Т.: "Sano-standart" nashriyoti, 2019. – 535 с.
50. Байтураев ЭИ. Повышение спортивно-педагогического мастерства (самбо). Учебник. – Т.: "ODIL-PRINT", 2019. – 375 с.
51. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. – М.: МАКС Пресс, 2016. – 116 с.
52. Гулобод К., Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммадова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: "Ином Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази" нашриёти, 2019. – 312 б.
53. Ибраимов А.Е. Масофавий ўқитишининг дидактик тизими: методик кўлланма / тузувчи. А.Е. Ибраимов. – Т.: "Lesson press", 2020. – 112 б.
54. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: "Fan va texnologiya", 2014. – 60 б.
55. Мирзокулов Ш.А., Люлина Е.С. Единоборства, координационные и циклические виды спорта – кураш: Учебное пособие. – Т.: "O'zkitobsavdonashriyoti", 2020. – 252 с.
56. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик кўлланма. – Т.: "Sano-standart", 2015. – 208 б.
57. Образование в цифровую эпоху: монография / Н.Ю. Игнатова; М-во образования и науки РФ; ФГАОУ ВО «УрФУ им. первого Президента России Б.Н. Ельцина», Нижнетагил. технол. ин-т (фил.). – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с.
http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf
58. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. <https://hiedtec.ecs.uni>

- ruse.bg/pimages/34/3_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf
59. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. Книга 16 / О.К. Асекретов, Б.А. Борисов, Н.Ю. Бугакова и др. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с. <http://science.vvvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>
60. Спортда лойихаларни молиялаштириш: Ўқув қўлланма. М.Р. Болтабаев ва бошқ. – Т.: “O’zkitobsavdonashriyoti”, 2020. – 240 б.
61. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. – Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020. – 120 б.
62. Элов А.Н. Повышение спортивного мастерства по дзюдо: Учебник. – Т.: “O’zkitobsavdonashriyoti”, 2020. – 252 с.

IV. Интернет сайтлар

63. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази
64. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
65. <http://huquqburch.uz> – Ҳуқуқий ахборот портали
66. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси
67. <http://senat.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати
68. <http://stat.uz> – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий веб-сайти.
69. <http://uza.uz> – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги
70. <http://uzdjtsu.uz> – Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети
71. <http://www.openinfo.uz> – Корпоратив ахборот ягона портали
72. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали ZiyoNET
73. <https://minsport.uz> – Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги
74. <https://president.uz> – Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти
75. <https://sportedu.uz> – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази
76. <https://strategy.uz> – “Тараққиёт стратегияси” Маркази
77. <https://www.gov.uz> – Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат Портали

“ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини оширишни ташкил этиш
Бош илмий-методик маркази
Директор _____ Т.Т.Шоймардонов
“_____” 2020 й.
М.Ү.

“КЕЛИШИЛГАН”:

Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини
oshiришни ташкил этиш ҳамда
мувофиқлаштириш бошқармаси
Бошқарма бошлиғи _____ Ф.Т.Эсонбобоев
“_____” 2020 й.
М.Ү.

“КЕЛИШИЛГАН”:

Фан, спорт ва таълим муассасаларини илмий-
методик таъминлаш бошқармаси
бошлиғи _____ А.Б.Хасанов
“_____” 2020 й.
М.Ү.

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича
мутахасисиларни илмий-методик таъминлаш,
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш
маркази директори _____ И.А.Турсуналиев
“_____” 2020 й.
М.Ү.

